

Ўзбеккосмос “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” кўрғазмасида

Тошкент шаҳридаги САЕх кўрғазмалар мажмуасида олтинчи “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” халқаро саноат кўрғазмаси ўз ишини бошлади. Ушбу нуфузли тадбир Марказий Осиё давлатлари саноати, инновациялари ва технологик салоҳиятини халқаро майдонда намойиш этиш учун стратегик платформа вазифасини ўташи билан аҳамиятлидир.

Мазкур жараёнда “Ўзбеккосмос”нинг иштироки алоҳида эътиборга лойиқ. Агентликнинг кўрғазмадаги тенди мамлакатда космик технологияларни ривожлантириш, уларни иқтисодиёт тармоқларига интеграция қилиш ҳамда илмий салоҳиятни ошириш борасидаги ютуқларни намойиш этмоқда. Айниқса, сунъий йўлдош маълумотлари асосида қишлоқ хўжалиги, экология ва урбанистика соҳаларида олиб борилаётган ишланмалар инвесторлар ва халқаро ҳамкорлар учун катта қизиқиш уйғотмоқда.

Шунингдек, агентлик муассислигидаги Космик мониторинг ва геоахборот технологиялари марказининг иштироки кўрғазманинг илмий-амалий аҳамиятини янада оширмоқда. Марказ томонидан тақдим этилаётган геоахборот тизимлари, масофадан зондлаш технологиялари ва рақамли хариталаш ечимлари давлат бошқаруви, ресурслардан самарали фойдаланиш ва экологик мониторингни янги босқичга олиб чиқиш имконини беради. Бу эса рақамли иқтисодиёт шароитида маълумотларга асосланган қарор қабул қилиш тизимининг ривожланишига хизмат қилади.

Ушбу кўрғазма Ўзбекистон учун саноат ва инновацияларни ривожлантиришда муҳим драйвер бўлиб хизмат қилмоқда.

“Ўзбеккосмос” агентлиги ва унинг муассислигидаги маркази эса мазкур жараёнда илғор технологияларни жорий этиш орқали мамлакатнинг илмий-техник салоҳиятини намоён этувчи асосий институтлардан бири сифатида майдонга чиқмоқда.